

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

6-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

---

<b>3.Пардаева</b>	
Шеърий асарда метафоризация хусусиятлари (А.Ахматова ва М.Цветаева шеърияти мисолида).....	82
<b>3.Мамадалиева</b>	
“Хайрат ул-аброр” достонида Хожа-кўнгул образи ва унинг такомили.....	88
<b>И.Рустамова</b>	
Бадий ижодда деталлар функционаллиги ва динамиклиги.....	94

---

## ТИЛШУНОСЛИК

<b>A.Бердиалиев</b>	
Эга ва унинг умумлисоний хусусиятлари ҳақида.....	98
<b>Т.Эназаров</b>	
Шеваларни илмий ҳамда амалий тадқик этиш назарияси ва концепцияси.....	102
<b>Х.Шокирова</b>	
Шахс дейксиси имкониятлари.....	108
<b>М.Абдуллаттоев, В.Абдурахмонов</b>	
Микроматн композицияси.....	116
<b>Ф.Шарипов, Т.Галиев</b>	
Ўзбек тилшунослигида сўзшакл ҳақида.....	121
<b>М.Ширинова</b>	
Кинофильмлар номлари лингвистик аспект материали сифатида.....	126

---

## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

<b>Т.Эгамбердиева, М.Зиёева</b>	
Ўзбекистон олий педагогик таълим соҳасини ривожлантиришга қаратилган ислохотлар мазмуни.....	130
<b>Х.Кодирова, М.Юнусалиева</b>	
Тўғарак машғулотларида мантиқий фикрлашни ривожлантириш ёрдамида ўқувчиларни олимпиадаларга тайёрлаш.....	136

---

## ИЛМИЙ АҲБОРОТ

<b>Д.Мухторова</b>	
Ядросида Гаусснинг гипергеометрик функцияси қатнашган интеграл тенгламаларни ечишнинг композицион усули ҳақида.....	141
<b>К.Кодиров, Т.Тўхтасинов</b>	
Лордания билан алгебрасидаги конверенция топологияси.....	144
<b>М.Имомова, Б.Абдуганиев, А.Турдибоев</b>	
Мотор ва сурков мойларининг физикавий кўрсаткичлари ва кимёвий таркибини ускунавий услубларда аниқлаш.....	148
<b>Р.Казаков</b>	
Кимё ўқитиш самарадорлигини оширишда уй кимёвий тажрибаларнинг роли.....	152
<b>М.Хакимов, А.Маруфжонов</b>	
Ўзбекистонда анор етиширишни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишлар.....	156
<b>С.Исройлжонов, В.Каримов</b>	
Озиқ-овқатлар таркибидаги ксенобиотикларнинг ҳамда захарли моддаларга одам организмидаги ҳимоявий омиллар таъсирини ўрганишга кириш асослари.....	159
<b>А.Гадоев, В.Каримов, Г.Гадоева</b>	
Мушуклар организмида <i>Sarcocystis tenella</i> railliet, 1886 саркоспоридийларнинг ривожланиши.....	162
<b>М.Дадақўзиев, О.Эркабоев</b>	
Фавқулодда вазиятларда фуқаро муҳофазаси фанини ўқитиш бўйича илғор хорижий тажрибалар.....	165
<b>Ф.Маматов</b>	
Глобаллашув жараёнида хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини оширишнинг инновацион омиллари.....	168

УДК: 811.512.133'28(062)

ШЕВАЛАРНИ ИЛМИЙ ҲАМДА АМАЛИЙ  
ТАДҚИҚ ЭТИШ НАЗАРИЯСИ ВА КОНЦЕПЦИЯСИ

ТЕОРИЯ И КОНЦЕПЦИЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОГО  
ИССЛЕДОВАНИЯ ДИАЛЕКТОВ

SCIENTIFIC AND PRACTICAL  
THEORY AND CONCEPT OF DIALECTS RESEARCH

Т.Эназаров<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Т.Эназаров

– Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ўзбек тилшунослиги кафедраси профессори, филология фанлари доктори.

**Аннотация**

Мақола ўзбек халқ шеваларининг илмий ва амалий тадқиқотлари назарияси ҳамда концепциясига багишланган. Юқорида айтиб ўтилган ҳаракатлар назария ва концепцияни ҳамда унинг турларини мантиқий асослаш учун диахрон ва синхрон равишда илмий кузатишлар амалга оширилди. Улар "Ўзбек диалектологияси", "Ўзбек диалектал лексикографияси", "Тарихий диалектология" фанлари ривожи тўғрисида тушунча беради.

**Аннотация**

Статья посвящена теории и концепции научно-практического исследования узбекских народных диалектов. Вышеупомянутые действия проводились диахронически и синхронно с научными наблюдениями для логического обоснования теории и концепции, а также ее типов. Они дают представление о развитии «Узбекской диалектологии», «Узбекской диалектической лексикографии», «Исторической диалектологии».

**Annotation**

The article is devoted to the theory and concept of scientific and practical research of Uzbek national dialects. The above actions were carried out diachronically and synchronously with scientific observations to rationally substantiate the theory and concept, as well as its types. They give an idea of the development of "Uzbek dialectology", "Uzbek dialectical lexicography", "Historical dialectology".

**Таянч сўз ва иборалар:** диалектология, диалектология фалсафаси, туркий тилли халқлар диалектологияси, ўзбек диалектологияси, ўзбек халқ шевалари, ўзбек халқ шевалари тадқиқига концептуал ёндашув, ўзбек халқ шеваларини илмий ҳамда амалий тадқиқ этиши назарияси ва концепцияси, диалектал лексикография, ўзбек диалектал лексикографияси, тарихий диалектология, анкета, диалектал матн, диалектал лугат ва диалектал лугат мақола.

**Ключевые слова и выражения:** диалектология, философия диалектологии, диалектология тюркоязычных народов, узбекская диалектология, узбекские народные диалекты, концептуальный подход к изучению узбекских народных диалектов, теория и концепция научно-практического исследования узбекских народных диалектов, диалектная лексикография, узбекская диалектная лексикография, историческая диалектология, анкета, диалектный текст, диалектный словарь и статья диалектного словаря.

**Keywords and expressions:** dialectology, philosophy of dialectology, dialectology of the Turkic peoples, Uzbek dialectology, Uzbek dialects, a conceptual approach to the study of Uzbek dialects, theory and concept of scientific and practical research of Uzbek dialects, dialectal lexicography, Uzbek dialect lexicography, historical dialectology and dialectal article, dialectal dictionary.

"Ўзбек диалектологияси" фанидан ўттиз йилдан ортиқ дарс бердик ва ўзбек халқ шеваларининг фонетикаси, лексикаси ва грамматикасига оид назарий фикр ва мисоллардан нарига, объектив ва субъектив сабабларга кўра, ўтмадик, ўта олмадик ҳам. Чунки мазкур фаннинг долзарб масалаларига концептуал ёндашув буғунгача мукаммал даражада амалга оширилмаганди, яъни бу фаннинг ўқитиш методикаси ҳамда методологияси, фаннинг тарихий тараққиётидаги метод ва методологияни,

ундаги илмий-назарий қарашлар ва концепцияларни, ушбу соҳадаги илмий мактаблар ҳалигача ўрганилмаганди. Бунинг учун ушбу фан ҳамда соҳа доирасида диалектология фалсафаси асосида ҳам ўқитиш методологияси ва тадқиқот олиб бориш методикасини ривожлантириш лозим. Сабаби, диалектология фалсафаси – бу, шахсий тажриба, фикр-ўй асосида юзага келган ишонч, эътиқод воситасида "Ўзбек диалектологияси" фани ва соҳасининг асосий қонуниятларини теран англашга интилиб, уларни илмий-

## ТИЛШУНОСЛИК

назарий ҳамда илмий-амалий талқин ва тадқиқ этиш демақдир.

Улар бўйича илмий кузатишлар олиб бориш келажакда амалга ошириладиган илмий тадқиқот ишларига йўлланма – методик асос ҳисобланади. Бошқа фанларда эса илмий мактаблар, даврлаштириш, илмий-назарий ва амалий тадқиқ этиш концепциялари яратилган ҳамда улар ҳам маълум даражада ўқитилиши табиий бўлмоқда. Чунки фаннинг тарихий тараққиётини, ундаги илмий-назарий қарашлар ва концепцияларни билиш, ўрганиш келажакдаги амалга ошириладиган илмий-тадқиқот ишларига методологик асос бўлиши аниқ. Бир неча ўн йиллик кузатишларим асосида бу соҳани ўрганишнинг илмий ва амалий тадқиқ этиш назарияси ва концепцияси; унинг даврлаштирилиши; ундаги илмий мактаблар; ўзбек диалектал лексикографияси ҳақида илмий қимматга эга бўлган бир қанча материалларни йиғиб, талқин ва таҳлил этишга киришдим. Қуйидаги илмий ва амалий тадқиқ этиш назариясининг концепция(лари)си эса “Ўзбек диалектологияси” соҳасида ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлганлигини ва айни вақтда ҳам мавжудлигини асослаш учун келтирилди:

Назария ва концепция терминларининг ўзаро фарқли жиҳатларини ойдинлаштириш мақсадида концепция терминига тўхталиш ўринли. Концепция термини лотинча сўз бўлиб, тўплаш, бирлаштириш; тизим; избора маъноларини англатган. Ушбу термин айни вақтда қарашлар, фикрлар йўналиши тизими; фикр юритиш, дунёни тушуниши, англаш усули деган маъноларни ифодалайди [1,405-].

Концепция илмий тадқиқот назарияси билан боғлиқ. Шунинг учун ҳар бир соҳанинг ўз назарияси ва назарий асосларининг бўлиши табиий. “Ўзбек халқ шеваларини илмий ва амалий тадқиқ этиш назарияси” номли бу катта мавзу эса ўзбек диалектологияси соҳасида назарий асос бўлган. Соҳадаги илмий ғоялар мажмуи илмий концепция термини маъносида ойдинлашади. Шунга мувофиқ, ҳар бир даврнинг (назарий) мақсади бўлгани каби илмий назарий концепциялар ҳам бўлади.

Соҳада амалга оширилган илмий тадқиқот ишларига “Диалектологик квалиметрия”нинг меъёрий воситаларида баҳо бериш лозим. Ҳаётда ҳамма нарса ҳисобли бўлгани сингари амалга оширилган ҳар қандай нарса, хусусан, илмий тадқиқот ишларига ҳам одилона баҳо берилиши керак. Бу фикр илм-фанга ҳам, иқтисодга ҳам бирдай тегишли.

Шундагина келажак учун қилинаётган ишларга нисбатан хато ва нуқсонли жараёнлар рўй бермайди. Масалан, XX асрнинг 60-70-йилларида проф. А.Ғуломов (шевашунослик масалаларини фақат назарий жиҳатдан биладиган олим)нинг фикрлари асосида (аммо проф. М. Мирзаев [2,114-126-], проф. Ф.Абдуллаев [3,35-41-] каби шева ташвиши билан униб-улғайган диалектолог олимларнинг фикрлари инобатга олинмаган) фақат лексик диалектизмларни тўплаш масаласи диалектологларнинг асосий мақсади бўлиб қолганки, шевалардаги диалектизмларнинг қолган ўнта тури ўрганилмай, тўпланмасдан қолиб кетганлиги ўша давр учун нуқсонли ҳолат, деб баҳо бера олинса, бугунги кундаги амалга оширилган диалектологик ва лексикографик тадқиқотларнинг мажмуидаги барча диалектизмларни жамлаб, улардан керакли тадқиқотларни амалга ошира олиш мумкин бўлади.

Илмий назарий концепция ҳар бир соҳанинг илм-фанида мавжудлигини тасдиқловчи қонун-қоидалар мажмуидир. Шу ўринда фалсафа фанини мисол сифатида олиш лозим. Чунки у ҳаёт ва ҳаётдаги донолик ҳақидаги таъриф, қоида ҳамда қонуниятларни ўзида жамлаб, бир неча илмий тармоқга бўлинib кетади. Худди шунингдек, назарий физика, назарий грамматика, назарий лексикография каби бир неча янги назарий фанлар ҳам амалда шаклланиб, ўқитилиб келинмоқда. Демак, назария қанчалик умумий бўлса, шунчалик хусусий ҳамдир. Сабаби, катта соҳаларнинг, албатта, назарий таълимотлари ва таъминотлари бўлгани сингари кичик соҳаларнинг ҳам назарий қоидалари мавжудлигини бугунги илм-фан, техника ривожи, тараққиёти асослаб турибди. Шунинг учун ҳам уларнинг мазмунини аралаштириб юбориш ҳамда бири ўрнида иккинчисини ишлатиш ёки кўллаш мумкин эмас. У, вақт ёки давр ўтиши билан ўзгариб, янгиланиб туриши мумкин.

Албатта, ўзгариб, янгиланиб туриш шу назарий соҳаларнинг ютуқлари, кашфиётлари ва амалга оширилган илмий тадқиқот ишларининг фойдалилик коэффициенти ортиши билан (ёки уларнинг рентабеллиги кўпайиши билан) унда маълум бир ўзгаришлар бўлиши аниқ. Лекин унинг амалиёти бўлмаса, у ҳаётда ўзининг муҳим муқим ўрнига эга бўла олмайди. Шу ўринда бозор иқтисодиёти ҳам маълум маънода назарий кўринишдадир. Аммо у ҳар куни синалиб туриладиган олди-сотти муносабатларидан иборат амалиётга эга

бўлгани учун маълум ютуқларга эришмоқда. Назария амалиёт билан боғланмай қолса, у ҳаёт зарбаларида емирилиб ташланади. Хуллас, назария амалиёт билан боғланни тургандагина ўз аҳамиятини йўқотмай, доимо ошириб боради.

Юқорида эслатилган назариялар каби Ўзбек халқ шеваларини илмий ва амалий тадқиқ этиши назарияси ҳам мавжуддир. Бу назария сунъий яратилмаяпти, аслида бор, фақат у номланиб, қўйидаги турларга бўлинади:

1. Туркий тилли халқлар диалектологиясини илмий талқин ва тадқиқ этиш назарияси.

2.Хонликлар даври ўзбек шеваларини амалий талқини ҳамда тавсиф қилиш назарияси.

3. XIX асрнинг иккинчи ярмидан XX асргacha ўзбек тили ва ўзбек шеваларини амалий таҳлил ва талқин этиш назарияси.

4. XX асрнинг 20-йилларидан то бугунги кунгача ўзбек халқ шеваларини назарий ва амалий тадқиқ қилиш назарияси.

Ушбу назария XX асрнинг 20-йилларида ўзбек шеваларини ўрганишга жиддий бел боғлаган таниқли диалектолог профессорлар К.К. Юдахин, И.И. Зарубин, Е.Д.Поливанов каби рус туркшунос олимларининг илмий ишлари билан илгари сурилган.

“Ўзбек халқ шеваларини илмий ва амалий тадқиқ этиши назарияси” XX асрнинг 20-йилларидан то бугунги кунгача мукаммаллашиб борган. Албатта, бу назарияни амалиёт билан ривожлантирища ўзбек диалектолог олимларининг ҳиссалари катта бўлган. Бунга мисол – диалектал лексика масаласида олимлар икки хил фикр билдиришган:

1. А.Гуломов ва Ш.Шоабдураҳмонов билан ҳамкор олимлар уларнинг соф диалектизмлар билан ишлаш ғоясига ёпишиб олишган. Натижада, диалектизмларнинг саккизта тури олимларнинг эътиборидан қолиб кетганки, уларнинг ҳозиргача ўрганилмай қолишига сабаб бўлмоқда.

2. Барча диалектизмларни жамлаб, диалектал луғатлар тузиш керак, деган олим (ф.ф.н., катта илмий ходим Аҳмад Ишаев, илмий ходим Дўстмурод Абдураҳмонов каби)лар Мустақим Мирзаев ва Фаттоҳ Абдуллаев билан ҳамкорлик қилишган. Бу олимларнинг фикрлари ўша вактда нотўри, деб айтилган, амалда эса шу иккинчи гурух олимларининг фикрлари тўғри бўлиб чиқди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, бу фикрлар тирноқ остидан кир қидириш ёки

кимларнидир танқид қилиш эмас, балки амалга оширилган илмий тадқиқотларни танқидий таҳлил қилиб, уларни беғараз баҳолаб, соҳанинг келажакдаги ишларида ушбу илмий тадқиқотларнинг аҳамиятини диагностикалашдир.

Илмий назарий концепция эса фанга оид назарияни ёки унинг бирор соҳасини амалий тадқиқ этиш ва амалий ривожлантириш усули ёки йўлидир. Шунинг учун “Шеваларни илмий ҳамда амалий тадқиқ этиши назарияси ва концепцияси” ёки “Ўзбек халқ шеваларини илмий ҳамда амалий тадқиқ этиши назарияси ва концепцияси”нинг диалектологик (диагностика) квалиметрия билан ойдинлаштириш лозим. Ҳар бир даврнинг илм-фанга ҳамда ишлаб чиқаришга ўз талаблари, меъёрлари бўлгани сингари ўзбек диалектологияси соҳасида ҳам қарийб (бир) минг йиллик ёки ўн асрлик (1070 йилдан то 2020-йилгача бўлган) даврдаги диалектология бўйича “(ўзбек халқ) шевалар(и)ни илмий ва амалий тадқиқ этиши назарияси ҳамда концепцияси” бўлган. Булар ўзаро бирлашиб, бир бутун ҳолда ўзбек халқ шеваларини илмий назарий ҳамда амалий тадқиқ этиши назарияси ва концепциясини шакллантирган. Шунинг учун нисбий бўлса ҳам ўзбек халқ шеваларини илмий ва амалий тадқиқ этиши назарияси ва концепцияси мазмун-мундарижасининг қўйидаги кичик концепциялар кўринишида талқин ва тадқиқ этилиши мақсаддага мувофиқ:

1. Туркий тилли халқлар диалектологиясининг (ўзбек диалектологиясининг ҳам) бошланғич даври илмий назарий концепцияси XI асрда машҳур тилшунос Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғат-ит турк” номли луғати билан бошланган. Ушбу илмий назарий концепция Қошғар шахрида шаклланган.

2. XII-XIV асрлардаги туркий-ўзбек шевалари(диалектологияси)ни амалий кўллашнинг илмий-ижодий назарий концепцияси.

3. XV-XVI асрларда эски ўзбек адабий тилининг шаклланишига асос бўлган ўзбек шеваларининг таъсири илмий назарий концепция ғазал мулкининг сultonи Алишер Навоийнинг ўзи шахсан тузган луғати ва “Муҳокамат-ул луғатайн”да ҳамда шоҳу шоир Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида ифодаланган. Бу илмий назарий концепция Ҳирот ва Андижон шаҳарларидаги илмий ва ижтимоий мухитда юзага келган.

## ТИЛШУНОСЛИК

---

4. Ўзбек тилининг фаоллашишига асос бўлган шеваларнинг ўзаро муносабати натижаси илмий назарий концепцияси XVII асрдан XIX асрнинг 60-йилларигача бўлган даврда амал қилган. Мазкур илмий назарий концепция Қўқон, Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидағи илмий мактабларда шаклланиб, ривожланган.

5. Ўзбек тилининг бошқа тиллар билан муносабатга киришишида шеваларнинг таъсирни илмий назарий концепцияси XIX асрнинг 60-йилларидан XIX асрнинг 20-йилларигача бўлган даврда амал қилган.

6. Замонавий ўзбек диалектологиясининг шаклланишига имконият ва шароит яратиб берган илмий назарий концепция XX асрнинг 20-40-йилларида амал қилган. Бунда профессорлар И.И.Зарубин, К.К.Юдахин, Е.Д.Поливанов сингари бир қанча рус туркшуносларининг ҳиссаси катта. У Москва ҳамда Тошкент шаҳарларидағи илмий мактабларда камол топган. Натижада, ўзбек шеваларини илмий асосларда ўрганувчиларнинг Тошкент шаҳри (ТошДУ)да диалектология илмий мактаби шаклланган.

7. Ўзбек шеваларининг материалларини диалектал матнлар сифатида йиғиб, ўрганиш илмий назарий концепцияси XX асрнинг 50-70-йилларида профессор М.Мирзаев, профессор Ф.Абдуллаев, А.Шерматов [4, қаранг-] каби олимларнинг илмий тадқиқотлари натижасида шаклланган ва амал қилган. Бу илмий назарий концепция Бухоро, Тошкент ва Хоразмдаги илмий мактабларда ривожланган. Ҳақиқатан ҳам, диалектал матнлар билан ишлаш тайёрланган илмий ишларнинг, шунингдек, диалектологик луғатнинг савияси ва илмийлигини бемалол юксак даражага кўтара олади.

8. Фақат соф лексик диалектал сўзлар ва уларнинг турлари билан ишлаш илмий назарий концепцияси XX асрнинг 70-80-йилларида проф. А.Ғуломов [5,14-] ва академик Ш.Шоабдураҳмоновнинг фикрлари асосида (аммо проф. М.Мирзаев, проф. Ф.Абдуллаев каби шева билан униб-улғайган диалектолог олимларнинг фикрлари инобатга олинмаган) фақат соф лексик диалектал сўзлар ва уларнинг турларини тўплаш масаласи ўша вақтдаги А.С.Пушкин номидаги Тил ва адабиёти институтидаги диалектологларнинг асосий мақсади бўлиб қолган [6, қаранг-]. Шевалардаги диалектал сўзлар ва уларнинг қолган турлари ўрганилмай, тўпланмасдан қолиб кетганлиги билан далилланади. Сабаби, бу даврда шева вакилларидан ёзиб олинган

диалектал матнлар билан ишлаш жараёни у ёки бу даражада кам, эътибордан четда қолиб кетган диалектал сўзлар ва уларнинг турларига муносабат эса умуман ўзгармаган. Натижада, ҳалигача шеваларимиз материаллари (соф диалектизмлар) асосида 1971 йилда нашр этилган “Ўзбек халқ шевалари луғати”дан [6,қаранг-] бошқа луғатлар муаллифларининг ташабbusи билан нашр этилган [7, қаранг-], холос.

Бу диалектал сўзларни Ш.Раҳматуллаев “диалектизм-сўз”, деб номлаган [9,49-]. Мазкур илмий назарий концепция ўша вақтдаги ТошДУ ва А.С.Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтидаги диалектологларнинг асосий мақсади сифатида ривожланган.

9. Шеванинг фонетик, лексик ва грамматик хусусиятларини ўрганиш илмий назарий концепцияси XX асрнинг 60-йилларидан XX асрнинг 90-йилларигача бўлган даврда яратилган. Ушбу илмий назарий концепция Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Хоразм ва Фарғона илмий мактаблар фаолияти асоси бўлган. Бу илмий мактаблар профессор Назар Ражабов, профессор Юсуф Жуманазаров, ф. ф. н., катта илмий ходим Машариф Сафаров, доцент Босим Тўйчибоев каби диалектолог олимлар илмий ишлар олиб боришган.

10. Лингвогеографик тадқиқотларни амалга ошириш илмий назарий концепцияси ҳам XX асрнинг 80-йилларидан XXI асрнинг 20-йилларигача бўлган даврда мақола ва монография тарзида яратилган бир неча илмий ишни ўзида жамлайди. Ушбу илмий назарий концепцияни профессор Аъзам Шерматов, доцент Ёқуб Ғуломов, профессор Абдуғани Алиев, профессор Самихон Ашироев, ф.ф.д., проф. Нигора Муродова каби олимлар илгари суришган, ўзларининг бир неча илмий ишларини шу назарий қараш асосида яратишган. Шу илмий назарий концепцияга Тошкент илмий мактабини ташкил қилган ТошДУ, Низомий номидаги ПУда ва Тил ва адабиёт институти диалектологларнинг фаолияти натижасида асос солинган.

11. Шева вакилларидан диалектал матнларни ёзиб олиб, улар асосида диалектал лексикографик тадқиқотлар учун луғат мақолалари тайёрлаш воситасида диалектал ўкув луғати ҳамда мукаммал диалектал луғатларни яратиш илмий назарий концепция XXII асрнинг 10-20-йилларигача бўлган даврдаги илмий ишларни ўзида жамлайди. Ушбу илмий назарий концепцияси “Ўзбек диалектологиясининг долзарб масалалари” номли давомли илмий мақолаларида ф.ф.д.

Толиб Эназаров илгари сурган. Бу илмий назарий концепцияга Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фольклоршунослик ва диалектология кафедрасида 2017-2018 ўқув йилида асос солинган. Мазкур назариянинг мазмун-моҳиятини Самарқанд илмий мактаби вакиллари (профессор Суюн Каримов, профессор Жўлибой Элтазаров ва бошқалар) қўллаб-кувватлашган.

12. Узбек диалектологияси бўйича бугунги кунгача амалга оширилган ва амалга оширилаётган илмий тадқиқот ишларини одилона баҳолаш ҳамда соҳанинг келажаги учун уларнинг кераклигини диагностикалашда диалектологик квалиметрия илмий назарий концепцияси юзага келган. Бу илмий назарий концепция олдинги илмий назарий концепциялар заминида шаклланган. Ушбу илмий назарий концепцияга ҳам Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фольклоршунослик ва диалектология кафедрасида 2016-2018 йиллардаги илмий баҳслар давомида асос солинган. Мана шу баҳслар натижасида 2018 йилнинг сентяброда “Фольклоршунослик ва диалектология” мутахассислиги бўйича магистратура очилди.

13. “Шевалар лексикасини диалектал матнлар асосида тадқиқ этиш” илмий назарий концепцияси. “Ўзбек диалектологияси” соҳасида бажарилган илмий тадқиқотларга диалектологик квалиметрия талаблари асосида қаралса, соҳанинг кўп масала ва муаммолари якун топмаганлигини кўриш мумкин. Масалан, танқидий таҳлил асосида фикр юритилса, ҳалигача шеваларимизнинг диалектал лексикаси ва морфологияси тўлиқ ўрганилмаганлиги кўринади. Шу сабабли бу соҳадаги илмий кузатишлар асосида шаклланган “Шевалар лексикасини диалектал матнлар асосида тадқиқ этиш” номли янги илмий назарий концепцияни амалда қўллаш лозим.

Мазкур илмий назарий концепцияда қўйидагилар амалга оширилади:

1) “Ўзбек диалектологияси” соҳасининг тадқиқи тараққиётига танқидий ва таҳлилий муносабат билдириш;

2) шеванинг дарслик ва қўлланмалардаги таърифиға танқидий ёндашиш;

3) диалектал сўз масаласи ёки диалектал сўз маҳомини ойдинлаштириш;

4) диалектал сўз турлари масаласини асослаб, якунлаш;

5) диалектал сўзларни шева вакиллари нутқидан ёзиб олинган диалектал матнлардан ажратиб олишнинг афзаллигини кўрсатиши;

6) ўзбек диалектал луғатининг электрон кўринишини яратиш жараёнини бошлашни асослаш;

7) диалектал луғат ва диалектологик атласлар тузиш масаласининг долзарблигини далиллаш ҳамда уларни амалда бажариш.

Шу ўринда “Шеваларни илмий ҳамда амалий тадқиқ этиш назарияси ва концепцияси” ёки “Ўзбек халқ шеваларини илмий ҳамда амалий тадқиқ этиш назарияси ва концепцияси”нинг кўп сўзлилиги учун узр сўраймиз, аммо кўп сўзли тарзда номланган концепциялар ҳам бор<sup>2</sup>. Хуллас, “Ўзбек халқ шевалар(и)ни илмий ва амалий тадқиқ этиш назарияси ҳамда концепцияси”нинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама ёритиш учун нисбий ҳолатда кичик концепцияларга ажратиб ўрганилдики, бу ҳол мазкур фаннинг долзарб масалаларига концептуал ёндашувнинг алоҳида ва ўзига хослигини кўрсатади. Аммо бу масалани маҳсус тадқиқ этиш лозим. Айни вақтда “Диалектологик квалиметрия”нинг меъёрий воситаларида баҳоланиши ҳамда келажакда соҳа ривожи учун қўлланиш лозимлиги шартми ёки лозим эмаслигини диагностикалаш зарурияти сезилмоқда. Аммо шу кунгача юқорида эслатилган диалектологик илмий назарий концепция ва унинг кичик қисмларидан фақат биринчисигина диалектологик квалиметрия билан XX асрда ҳар томонлама мукаммал ўрганилганлиги нуқтаи назаридан баҳоланиб, диагностикалаш амалга оширилган.

Аслида амалда бажарилган диалектологик илмий тадқиқот ишлари ҳам халқимизга тегишли маънавият ҳамда маърифат соҳасининг бир бўлаги сифатида эътироф этилиши уларга “Диалектологик квалиметрия” бўйича баҳолаш ҳамда диагностикалашга имконият яратиб беради. Бунинг учун талabalар “Ўзбек диалектологияси” фани ва соҳаси, шунингдек, квалиметрия, диалектологик квалиметрия ҳақида атрофлича билим ва тушунчага эга бўлишлари шарт.

<sup>2</sup> Birinchi Prezidenti I.A.Karimovning 2010-yil 12-noyabrdagi O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisiga Qonunchilik palatasi va Senating qo’shma majlisidagi ma’ruzasi “Mamlakatimizda demokratik islohotlarni yanada chugurlashtirish va fuqarolik jamiyatini rivojlantirish konsepsiyası”, deb nomlangan va boshqalar.

## ТИЛШУНОСЛИК

**Адабиётлар:**

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Тошкент: Ўзбекистон миллӣй энциклопедияси, 2006. 2-том. –Б. 405.
2. Мирзаев М. Диалектал сўзлар // Ўзбек шевалари лексикаси. – Тошкент, 1966. –Б.114-126.
3. Абдуллаев Ф.А. Диалектал луғат тузиш принциплари // ЎТА. 1966.2-сони. –Б.35-41.
4. Мирзаев М.Ўзбек тили Бухоро шевасининг хусусиятларига доир // ЎТА масалалари. – Тошкент, 1959.1-сон. –Б.31-38. Мирзаев М. Бухарская группа говоров узбекского языка. АҚД. –Ташкент, 1965, с.68. Мирзаев М. Диалектал сўзлар // Ўзбек шевалари лексикаси. – Тошкент, 1966. –Б.114-326. Мирзаев М. Ўзбек тилининг Бухоро группа шевалари. -Тошкент: Фан, 1969. Абдуллаев Ф. А.Ўзбек тили лексикасининг баъзи бир масалаларига доир // ЎзФА Тил ва адабиёт институтининг асарлари. – Тошкент, 1949.7-8-бетлар. Шерматов А. Ўзбек халқ шеваларидан текстлар. – Тошкент, 1975.
5. Гуломов А.Ф.Диалектал луғат ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 1968. 4-сони. –Б.14.
6. Ишаев А. Ўзбек диалектал лексикографияси. – Тошкент: Фан, 1990. 140 б.
7. Ўзбек халқ шевалари луғати. – Тошкент: Фан, 1971.
8. Абдуллаев Ф. Ўзбек тилининг Хоразм шевалари.-Тошкент: Фанлар Академияси нашриёти, 1961. Абдуллаев Ф. А. Хоразм шевалари лексикаси // Ўзбек шевалари лексикаси. -Тошкент,1966. –Б.18-120. Абдуллаев Н. Афғонистондаги ўзбек шевалари лексикаси // ЎТА.1980. 1-сон. Абдураҳмонов Д. Бешкент шеваси лексикасидан материаллар // Тилшунослик масалалари. -Тошкент, 1960. –Б.89-95. Абдураҳмонов Д. Бешкент район шевалари лексикасидан материаллар // Ўзбек диалектологиясидан материаллар. -Тошкент, 1961.II қисм. – Б.221-228. Алиев А. Ю. Диалектал сўзлар тарихидан // Ўзбек тилшунослигининг актуал масалалари. -Тошкент, 1987. –Б.14-19. Алиев А. Наманган диалекти лексикасидан кузатишлар // Ўзбек шевалари лексикаси. -Тошкент: Фан, 1966. –Б.377-381. Бегалиев.М. Қ. Ўзбек тилининг Қорабулоқ шеваси лексикаси. -Тошкент: Иқтисод-Молия, 2007.126 бет. Бўронов М. Қорақалпоғистондаги ўзбек шеваларининг лексикасидан // Ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослиги масалалари. -Тошкент, 1972. –Б.87-103. Дониёров Х. Қипчоқ диалектларининг лексикаси. -Тошкент: Фан, 1979. Жўраев Б. Юқори Қашқадарё ўзбек шевалари лексикаси // Ўзбек шевалари лексикаси. -Тошкент: Фан, 1966. –Б.160-249. Жабборов Х. Дехқончилик лексикасида касб-хунарни ифодаловчи сўзлар // Ўзбек тилшунослиги масалалари. -Тошкент, Қарши, Насаф, 2012. –Б. 21-24. Зуфаров С. Сайрам шевасининг лексик хусусиятларидан // Тилшунослик ва адабиётшуносликка оид тадқиқотлар. -Тошкент, 1965. –Б.195-205. Иброҳимов С. Фарғона шеваларининг касб-хунар лексикаси. I. -Тошкент, 1956. II. -Тошкент,1959. Иброҳимов С. Ўзбек тили касб-хунар лексикаси тадқиқотларидан // Ўзбек шевалари лексикаси. -Тошкент,1966. –Б.129-159. Йўлдошев Т. Тожикистон ССР Жанубидаги ўзбек шевалари лексикаси // Ўзбек шевалари лексикаси. – Тошкент, Фан,1966. –Б.446-459. Маматов А.Ўзбек тили лексикологиясидан материаллар. Андижон тип шеваларда қариндош-уруг атамаларининг қўлланиши (киёсий-этимологик тарзда). –Тошкент, 2009.240 б. Муродова Н. Навоий вилояти ўзбек шевалари лексикаси // ЎТА. 2000. 5-сони. –Б.61-63. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. -Тошкент: Ўқитувчи, 1988. -288 б. Нафасов Т. Ўзбек номномаси. -Қарши, Насаф, 1993. -154 б. Нафасов Т. Қашқадарё ўзбек халқ сўзлари. -Тошкент: Муҳаррир, 2011. 466 бет. Омонтуриев А., Раҳмонов Б. Сурхондарё диалектал-этнографик мақолларининг изоҳли луғати (Унтуилаётган мақол, матал ва айтимлар). 2-қисм. -Тошкент: Илим зиё заковат, 2019. -96 бет. Ражабов Н. Қарноб шевасининг лексик хусусиятлари // СамДУ. Асарлар. Янги серия.102. -Самарқанд,1960. –Б. 59-74. Раҳимов С.Сурхондарё ўзбек шевалари луғати. -Денов,1993. 122 бет. Тулаков С. Наманган шаҳар шеваси лексикасидан материаллар // Ўзбек шевалари лексикаси.-Тошкент, Фан, 1966. –Б.440-445. Тўйчибоев Б., Ширинов С., Қашқирил Қ. Туганмас бойликлар булоги. -Тошкент, Ўқитувчи, 1991.196 бет. Тўйчибоев Б., Қашқирил Қ. Зомин сўзлиги. -Тошкент, 2008. 222 бет. Узоқов Ҳ. Водил шеваси лексикасидаги баъзи бир сўзларнинг маънолари // Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. -Тошкент,1961.2-китоб. –Б. 241-244. Узоқов Ҳ. Жанубий Фарғона шевалари лексикасидан намуналар // Ўзбек шевалари лексикаси.-Тошкент: Фан, 1966. –Б.417-429. Шералиев Э. Ленинобод вилоятидаги ўзбек шеваларининг лексик-семантик хусусиятлари. Хўжанд, 1993. 64 бет. Шоабдураҳмонов Ш. Ш. Таянч шаҳар шевалари лексикаси // Ўзбек диалектологиясидан материаллар.11-қисм. -Тошкент, 1961. –Б.274-331. Шоимова Н. Қашқадарё ўзбек қипчоқ шевалари лексикаси. -Қарши, Насаф, 2000.140 б. Шоимова Н. Ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжаси лексикасидан айрим қайдлар // ЎТА. 2008. –Б. 98-100. Шоимова Н. Шевалар луғатини яратиш - давр талаби // Тилшуносликнинг долзарб масалалари (Илмий мақолалар тўплами) IV. –Тошкент, 2008. –Б.202-204. Шоимова Н. Шева лексемаларидан айрим қайдлар // Хорижий филология. 2009. 1(30)-сони. –Б.72-73. Эназаров Толиб. Ўзбек шевашунослигининг долзарб масалалари // Тил ва адабиёт таълими.2017. 6-сони. 17-18-б. Эназаров Толиб, Қодирова Наргиза. Диалектал фразеологизмлар луғати хусусида // Ўзбекистон Миллӣй университети хабарлари. 2017. №1/6. –Б. 399-401. Ўзбек шевалари лексикаси. –Тошкент: Фан,1966. Ўзбек шевалари лексикасидан материаллар тўплаш учун сўроқлик. –Тошкент: Фан,1989. 211 бет. Ўзбек шевалари лексикаси. –Тошкент: Фан, 1991. 229 бет. Ўзбек диалектологиясидан материаллар.1-қисм. -Тошкент, 1957.351 бет. Ўзбек халқ шевалари луғати. -Тошкент: Фан, 1971. (-Б. 2-319). Ўзбек диалектологиясидан материаллар. 2-қисм. -Тошкент, 1960. 465 бет. Ўринова О. Қашқадарё лексикасида корамол анатомияси ва унда учрайдиган касаллик номлари // Ўзбек тилшунослиги масалалари. -Қарши, Насаф, 2012. –Б.148-153. Гуломов Ҳ. Чил сўзининг қўлланиши ва маънолари // Ўзбек шевалари лексикаси. -Тошкент, 1966. –Б.293-313.
9. Қаранг: Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Тошкент: Ўқитувчи, 1975. –Б. 49.

(Тақризчи: С.Мўминов – филология фанлари доктори, профессор).